Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 25 май, шанба • № 41 (10.816) • Эркин нархда сотилади

ГУНТИС УЛМАНИС: ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОННИНГ ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРИДА

Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга ташрифининг иккинчи куни мамлакатларимиз муносабатлари тарихига муҳим саҳифа бўлиб кирадиган учрашувлар, музокаралар, мулоқотларга бой бўлди.



23 май куни Дўрмондаги қароргоҳда Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов Гунтис Улманисни ва Латвия расмий делегациясини мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, халқимиз бу ташрифни ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида қарши олаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари истиқлолга эришилгандан сўнг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзлади. Халқаро синчилар, хусусан, халқаро валюта фонди ҳамда жаҳон банки мутахассислари Ўзбекистондаги ислоҳотлар МДҲдаги бошқа давлатлардагига нисбатан самаралироқ бўлаётганини эътироф қилганини қайд этди.

Ўзбекистон бугунги кунда нафақат МДҲга аъзо мамлакатлар, балки дунёнинг бошқа давлатлари, хусусан, Европа Иттифоқи билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўзда тутилган. Ислом Каримов Ўзбекистон Латвия билан нафақат икки томонлама, балки Европа Иттифоқи доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини қайд этди.

Икки томонлама иқтисодий алоқалар ҳақида гап кетганда, енгил саноат, транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз қонунбузарлик ва жиноятчилик, наркобизнес ва террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлади. Президент шу ўринда Латвия Сайэмида Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш гуруҳининг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қўшаётган муҳим ҳиссасини таъкидлади ва бунинг учун Латвия парламенти аъзоларига миннатдорлик билдирди.

Президент Гунтис Улманис Ўзбекистонга ташрифининг илк дақиқалариданоқ Латвия делегациясига кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва меҳмондўстлик учун Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига миннатдорлик изҳор этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг прогрессив давлатдир, — деди жумладан Латвиянинг давлат раҳбари, — Биз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бозор муносабатларини муваффақият билан қарор топтираётган, барқарор ҳамда иқтисодий имкониятларга бой бу мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон Президентининг 1995 йилда Латвияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги янгича муносабатга дастлабки ва асосий ҳуқуқий пойдевор яратилган эди. Гунтис Улманис ушбу музокаралар ниҳоясида имзоланажак ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий асосларни янада кенгайтиришини таъкидлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Латвия мутахассислари икки томонлама солиқ солмаслик, Латвия бандаргоҳларидан биргаликда фойдаланиш, маҳсулотлар сифати ва уларнинг замонавий талабларга мос келиши, ўзаро тўловлар бобидаги музокараларни давом эттириб, яқин келажакда бу соҳалардаги ҳужжатларни тайёрлаши ўзаро манфаатли бўлишини айтди.

Гунтис Улманис Латвия бандаргоҳларидан фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталар экан, ўз мамлакатида божхона тарифларининг Болтиқбўйидаги бошқа давлатларга нисбатан арзонлиги Ўзбекистоннинг Латвия билан ҳамкорлигини кенгайтиришга омил бўлишини қайд этди. Шунингдек, мамлакатларимиз табиатни муҳофаза қилиш, маданият, ижтимоий соҳаларда ҳам кенг ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзаро тўловлар масаласига алоҳида тўхталди. Яқин келажакда Ўзбекистоннинг миллий валютаси тўла конвертация қилинишига эришилади ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш имкони яратилади.

— Ўзбекистон халқаро валюта фонди низомидаги 8-бандда қайд этилган шартларни бажариш имкониятига эга,— деди, жумладан юртбошимиз. — Зеро, ўз валютасини тўла конвертациялашга ўтишини эълон қилган Россияда уч ойлик импорт заҳираларини қоплаш салоҳияти мавжуд бўлса, Ўзбекистонда импорт маҳсулотларини етти ойгача таъминлаш қудрати мавжуд.Бироқ, биз миллий валютамизни тўла эркин айирбошлаш жараёнини сунъий тезлаштиришни истамаймиз.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ўртасида ўнга яқин ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Бу декларацияда икки мамлакат бундан кейин ҳам ўз муносабатларини дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик, суверенитет ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш асосида ривожлантириш ниятидалиги қайд этилган.

Ташқи ишлар вазирлари А. Комилов ва В. Биркаус эса Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани ҳақидаги протоколни, фуқаролик, оилавий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Улар, шунингдек, халқаро автомобил қатнови, темир йўл транспорти, алоқа, маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик ҳақидаги, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга ҳам имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг бўлган матбуот конференциясида Ислом Каримов ва Гунтис Улманис икки мамлакат расмий делегациялари ўртасидаги музокаралар якунлари ҳақида журналистларга сўзлаб бердилар. Ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва халқаро ҳамда минтақавий муаммоларни ҳал этиш масалаларида Томонларнинг якдил экани аён бўлгани қайд этилди.

Ислом Каримов, жумладан, журналистларга Ўзбекистон—Латвия иқтисодий алоқалари ривожланиб бораётганидан далолат берувчи рақамларни келтирди. Европа мамлакатлари билан тобора интеграциялашиб бораётгани туфайли Латвиянинг МДҲ давлатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми камайиб бормоқда. Бироқ, Латвия билан Ўзбекистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1995 йилда қарийб 6 миллион долларга ўсди.

— Шуни таъкидлаш керакки, — деди Ислом Каримов, — икки мамлакат иқтисодий имкониятларидан эндигина фойдаланишга киришилмоқда.

Журналистлар Латвия МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон ва Украина билан алоқаларни, айниқса ривожлантираётгани боиси билан қизиқдилар.

— Назаримда, Ўзбекистон ҳозир бутун жаҳоннинг диққат эътиборида турибди, — деди Президент Гунтис Улманис. — Ўзбекистондаги барқарорлик ва мамлакат раҳбариятининг собитқадам сиёсати бизга манзур бўлмоқда.

Латвия давлати раҳбари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрни, иқтисодий салоҳияти, ҳамкорликдаги ўзаро тенг манфаатдорлик алоҳида муносабатлар шаклланишига сабаб бўлаётганини айтди. Шу боис Латвия Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистонда элчихона очганлигини таъкидлади.

Президентлар журналистларнинг минтақада тинчликни таъминлаш, демографик сиёсат, жамиятни демократиялаш, икки томонлама ҳамкорлик хусусидаги бошқа кўплаб саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтардилар.

Амирқул КАРИМ.
С. ЗУФАРОВ тасвирга олган. (ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ТОЛАМИЗ — ОВРУПО БОЗОРИГА


ДАЛВАРЗИН пахта тозалаш корхонаси жамоаси ўтган йили етиштирилган «оқ олтин» хом ашёсини қайта ишлашни ниҳоясига етказмоқда. Ҳозир ҳар куни ишлаб чиқарилган тола, момиқ ва чигит пешмапеш буюртмачиларга жўнатилиб турипти.

Корхона жамоаси қўлидан чиқаётган толага мамлакатимиздагина эмас, ҳатто, чет элларда ҳам мижозлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг буюртмаларини вақтида бажаришга алоҳида эътибор бериляпти. Айни вақтда бундай қимматли маҳсулот сифати талаб даражасида бўлишига эришилмоқда. Шу туфайли ҳам унинг сифатидан норозилик билдирилган шикоят хатларининг тушиши умуман барҳам топди. Яқинда Овруподаги Швейцария, Австрия, Польша каби мамлакатларга бир неча вагон пахта толаси жўнатилди.

Собир ҲАМИДОВ.

Инсонга ғамхўрликни биринчи ўринга қўйган жамоа борки, унинг иши доимо унумлидир. Юқоричирчиқ туманидаги 121-акционерлик автокорхонаси шундай даргоҳлардан бўлиб, у ерда ўз касбини астойдил севган кишилар кўп. Ҳайдовчи Ҳакимжон Рискиев ана шундай жонкуярлардан биридир. У ойлик топшириқларини доимо ортиғи билан бажармоқда.

Суратда: Х. Рискиев.



РАВИЛЬ ШАМСУТДИНОВ олган сурат.

ШУ КУНИЁҚ 28 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

АҲОЛИНИ ўз касби бўйича ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш борасида Қибрай туманида амалга оширилаётган ишлар кишини хурсанд этади.

21 май куни ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда турли ихтисосликлар бўйича бўш иш ўринлари бўлган корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, қўшни туманларнинг меҳнат биржалари иштирок этиб, фуқароларга ўз корхоналари, бу ердаги шарт-шароит ва яратилган имтиёзлар ҳақида тушунтириш бердилар, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Шу куниёқ 28 нафар ишчи ТошГРЭС, вилоят газ бошқармаси, «Қибрай» жамоа хўжалиги, «Эрнафас» кичик корхонаси ва бошқа муассасаларга йўлланма олдилар.

Сайдали МИРЗАЛИЕВ.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги

«ТУРОН»ДА АНЖУМАН

ВИЛОЯТ маданият ишлари бошқармаси ва «Турон» вилоят кутубхонаси ходимлари ҳамкорликда «Темурийлар даврида фан ва маданият равнақи» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Анжуманни республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Равшан Юнусов кириш сўзи билан очиб, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан жойларда олиб борилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида қисқача гапирди. Шундан сўнг таниқли олим, филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов «Темурийлар даврида ўзбек адабиёти ва илм-фанининг равнақ топиши», санъатшунослик доктори Пўлат Зоҳидов «Темурийлар даврининг меъморий обидалари» мавзуларида маърузалар қилдилар. Шунингдек, филология фанлари докторлари Наим Каримов, Абдурашид Абдуғафуров, филология фанлари номзоди Суйима Ғаниевларнинг темурийлар тарихига оид қизиқарли суҳбатларини йиғилганлар эътибор билан тинглашди.

Яқинда Парижда бўлиб ўтган «Темурийлар даврида фан, маданият ва маориф равнақи» ҳафталигининг иштирокчиси — Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов, Амир Темур сиймосини саҳнада муваффақиятли ярата олган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминовлар ҳам шу кунги тадбирнинг меҳмони бўлдилар. Уларнинг сафар таассуротлари ва соҳибқироннинг саҳнадаги талқини хусусидаги фикр-мулоҳазалари барчага манзур бўлди.

Анжуманга вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиги З. Солиқов якун ясади.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида телерадиокомпания таркибига таркибий бирликлар ҳуқуқлари билан кирган бўлинмаларнинг давлат мулкини тўлиқ хўжалик ҳисоби бўйича юритиш ҳуқуқи сақлаб қолинсин. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига ҳамда унга қарашли корхона ва ташкилотларга тегишли асосий фондлар, мол-мулклар ва банк счётларидаги пул маблағлари Ўзбекистон телерадиокомпанияси тасарруфига ўтказилсин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ташкилий тузилмаси, бошқарув аппарати ходимлари ва ижодий-ишлаб чиқариш ходимлари сони;

ҳудудий бўлинманинг намунавий тузилмаси ва ходимлари сони;

Ўзбекистон телерадиокомпанияси тўғрисидаги Низом.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан биргаликда ҳар йили телерадиокомпаниянинг бошқарув аппарати ходимлари ва ижодий-ишлаб чиқариш ходимлари сонини Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 мартдаги 167 - сон қарори билан тасдиқланган телерадиоэшиттиришларни тайёрлаш ва трансляция қилиш учун ҳаражатлар нормативлари бўйича аниқлаб борсинлар.

4. Ўзбекистон телерадиокомпаниясига раиснинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлишига рухсат этилсин.

Компания раисига, унинг ўринбосарларига ва бошқарув аъзоларига Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва вазирларнинг ўринбосарлари, вазирликлар ҳайъатлари аъзолари учун белгиланган моддий-маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

5. Ўзбекистон телерадиокомпанияси:

икки ҳафта муддатда ҳудудий телерадиокомпаниянинг намунавий низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда «Ахборот телерадиоагентлиги»ни ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектлари рўйхати тасдиқлансин. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси объектлар қурилиши бўйича бош пудратчи этиб белгилансин.

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон телерадиокомпаниясига ҳар йилги капитал қурилиш прогнозларида объектлар қурилиши учун маблағлар ажратишни, шу жумладан, 1996 йилда 150 миллион сўм ажратишни назарда тутсинлар.

7. Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимини «Сименс» (ГФР) компаниясини жалб этган ҳолда комплекс техник қайта жиҳозлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини 20 кун муддатда тайёрласинлар ва тақдим этсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 мартдаги 167-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 5,9 миллион АҚШ доллари, шунингдек, 1,8 миллиард Россия рубли миқдорида фоизсиз кредит ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Алоқа вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги 1996-2000 йилларда контракт-шартнома асосида турдош мутахассисликларнинг юқори курсларида ўқиётганлар орасидан «Ўзтелерадио» иш соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашни тезлаштириш ва унинг тизимига олий ва ўрта махсус таълим ўқув муассасалари битирувчиларини юборишни таъминласинлар.

9. Вазирликлар ва идоралар «Ўзтелерадио» тизимида ишловчи хорижий мутахассислардан ва унинг таклифига биноан келадиган хорижий фуқаролардан меҳмонхонада яшаганлиги, транспортдан фойдаланганлиги, виза хизматлари кўрсатилганлиги учун тўловларни миллий валютада ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган миқдорларда қабул қилсинлар.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 11 мартдаги 123-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 24 май.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Кеча - 24 май куни Тошкент вилояти ҳокими Э. М. Рўзиев «Тошкент ҳақиқати» ҳамда «Ташкентская правда» газеталари таҳририятига ташриф буюрди. Бу ерда ҳар икки газета жамоалари аъзолари билан дилдан суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбат давомида вилоят газеталарининг фаолиятини яхшилаш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг вилоятимизда боришини кенг ёритиш, қалам аҳлини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Вилоят ҳокими журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берди.

Мулоқотда вилоят ҳокимининг муовини Д. Н. Жаҳонгирова иштирок этди.

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

Газетада босилмади, аммо чора кўрилди

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси таҳририятига Қўйлиқ мавзесида истиқомат қилувчи бир гуруҳ йўловчилар Зангиота туман автокорхонасига қарашли «Қўйлиқ бозори — Самарқанд автобекати», «Қўйлиқ бозори — Зангиота туман маркази» йўналиши бўйича қатновчи транспортлар ҳаракатида кейинги пайтда тез-тез узилишлар рўй бераётганлиги сабабли ишга ўз вақтида етиб боролмаётганликлари тўғрисида мурожаат қилган эдилар.

Ушбу мурожаат юзасидан Зангиота тумани автокорхонаси раҳбари Рустам Азимов имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

«Зангиота тумани автокорхонаси маъмурияти «Тошкент ҳақиқати» газетасига йўлланган шикоят хатини ҳайдовчилар иштирокида ўрганиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда туман марказини Қўйлиқ, «Бўзсув», Улуғбек номли жамоа хўжаликлари билан, паррандачилик фабрикасини метро бекати билан боғловчи 153, 452, 173, 180, 447-йўналишларда жадвалдан четлашиш ҳоллари содир бўлаётганлиги аниқланди. Бунга Отчопар, автомобиль эҳтиёт қисмлари улгуржи савдо бозорлари олдида автоуловлар ва йўловчиларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шунга қарамасдан автокорхона маъмурияти тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда. Камчиликларга йўл қўйган ҳодимлар жазоланди. Ҳар бир ҳайдовчи автобус қатнови жадвалини бузмаслик тўғрисида қатъий огоҳлантирилди. Йўналишлар жадвалига айрим ўзгартишлар киритилди».

ҒОЛИБЛАР УЧУН МУКОФОТ

Маълумки, шу йил 19 июлдан 4 августгача АҚШнинг Атланта шаҳрида XXVI ёзги олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон давлат жасмоний тарбия ва спорт қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш ва ғолибларни мукофотлаш масаласи кўриб чиқилди. Унда олимпия ўйинларида биринчи ўринни эгаллаган спортчи учун 30 минг, иккинчи ўринни эгаллаган спортчи учун 20 минг, учинчи ўринни эгаллаган спортчи учун 10 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлар белгиланди. Бошқа совринли ўринларни эгаллаган спортчилар, шунингдек, спорт мураббийлари ҳам муносиб тақдирланадиган бўлди.

(ЎзА).

Навбатдаги мулоқот

БУ САФАР БОЖХОНА ХОДИМЛАРИ ГАПИРИШДИ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари узил-кесил қарор топаётган айни пайтда Республика божхона хизмати фаолиятида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй беряпти. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида божхона тизими давлатни иқтисодий муҳофаза қилишнинг ишончли органига айланди.

ЭНДИЛИКДА мамлакат бош божхона бошқармаси чет эл божхоналари билан узвий алоқада, республика барча вазирликлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпти. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг ахборот марказида республика давлат Солиқ қўмитаси бош божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Саидазим Орипов ҳамда бошқарма марказий экспертиза лабораториясининг бошлиғи Иброхим Аскаровнинг республика матбуоти, телевидение ва радио мухбирлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашув-суҳбатни Ўзбекистон Президенти девонининг бош маслаҳатчиси Нуриддин Очилов олиб борди.

Бошқарма бошлиғининг муовини С. Орипов божхона ходимлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қўйилган вазифаларни қандай адо этаётганликлари ҳақида аниқ мисоллар асосида сўзлаб берди. Божхона тизими жамоаларининг кучи билан қисқа вақт ичида мамлакат чегараларидан четга қонунсиз олиб чиқиб кетилаётган 147 тонна ун, 102 тонна дон, 228 тонна гуруч, 253 тонна ёғ, 32 тонна чой, 219 тонна шакар, 16 тонна қуритилган сут, 21 тонна гўшт ва бошқа бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари ушлаб қолинди. Ўтган йили божхона тизими уч миллиард сўмдан кўпроқ, шу йилнинг тўрт ойида эса 1,5 миллиард сўмлик фойда келтирди.

Божхона хизмати энг замонавий техника воситалари ва компьютерлар билан ишлашга ўтмоқда. Кадрлар билан таъминлаш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш соҳасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар бўляпти. Эндиликда божхоналарга ходимлар фақат олий маълумотли мутахассислар сафидан тест синовлари асосида танлаб қабул қилинаётир. Ходимларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги бундай янгиликлар уларнинг топширилган ишга нисбатан масъулиятини ошириш, божхона хизматининг мамлакатга мол келтириш ва олиб чиқиб кетиш жараёнларида вужудга келаётган муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш имконини бераётир. Божхона хизмати булардан ташқари ўз хизмат вазифасини ўташда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўяётган, нопок ва масъулиятсиз айрим ходимлардан ҳам ўз сафини тозалаб боряпти. Ўтган давр мобайнида божхона бош бошқармаси 500 дан кўпроқ ана шундай ходимларни ишдан бўшатди.

— Мен матбуот орқали тадбиркор ва ишбилармонлар эътиборига қуйидаги муҳим гапларни етказишни зарур деб биламан, — деди ўз сўзида бошқарма марказий экспертиза лабораториясининг бошлиғи И. Аскаров. — Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва тасдиқдан ўтказиш мамлакатга мол келтираётган ёки четга олиб чиқаётган барча учун мажбурийдир. Сертификати бўлмаган маҳсулотлар эндиликда ҳатто чет эл чегараларидан ҳам ўтказилмайди. Тадбиркорлар ана шунга амал қилсалар турли хил ортиқча оворагарчиликлардан ва кўнгилхираликлардан халос бўладилар.

Учрашув охирида бош божхона бошқармаси раҳбар ходимлари мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МУҲАЙЁХОН ҒОЛИБ БЎЛДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги Абу Али Ибн Сино коллежида «Ҳамшира-96» вилоят кўрик танлови бўлиб ўтди. Кўрикда вилоят туман ва шаҳарларидан 20 нафар ҳамшира иштирок этди.

Танлов шартларига кўра иштирокчилар касб маҳоратларини намойиш этиш, оила-турмуш муаммоларини ечиш, эркин мавзудаги саволларга жавоб бериш бўйича синовдан ўтдилар.

Ҳакамлар хайъатининг хулосасига кўра биринчи ўринга энг юқори, 235 балл тўплаган Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг ҳамшираси Муҳайёхон Аҳмедова муносиб деб топилди.

Иккинчи ўринни ангренлик Бусалима Жўраева, учинчи ўринни Тошкент вилояти марказий шифохонаси ҳамшираси Мавжуда Аҳмаджоновалар эгаллашди.

Ғолибларга кўрикка ҳомийлик қилган ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

1995 йилда бўлиб ўтган «Ҳамшира-95» вилоят ва Республика кўрик танловининг совриндори Санобар Абдурасулова ғолибликни қўлга киритган касбдошларини чин кўнгилдан қутлади.

Зуҳра ХАЙДАРОВА.

Дил изҳори

МИНГ БОР ТАШАККУР!

ҲУРМАТЛИ таҳририят ходимлари! Мен яқинда Тошкент трактор ишлаб чиқариш корхонасининг шифохонасида оғир дард билан ётиб шифо топдим. Икки бор операция бўлдим. Бу ерда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг беморларга бўлган муносабати, ширинсуҳанлиги ва хушмуомалалиги туфайли тезда соғайиб, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Кейинчалик билсам бу ерда барча беморларга мен каби самимий муносабатда бўлишар экан.

Мени операция қилган ва даволаган шифокорлар, ҳурматли Давид Миронич Рубинов ва тажрибали мутахассис Темур Солихович Умаровларга алоҳида миннатдорчилигимни билдириб, минг бор ташаккур дейман. Айниқса, биз даво топган урология бўлими мудири Холбува Жомов, шифокорлар Комил Ўзбеков, Ҳожиакбар Даминов, ҳамширалар Надежда Гладирова, Светлана Корнилова, Марҳабо Ҳасанова ва бошқаларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Илоҳим уларнинг умрлари узоқ бўлсин, қўллари дард кўрмасин, оилалари тинч бўлсин.

Ақоиддин КАРИМОВ,
меҳнат фахрийси.

Бизнинг ахборот

БАНК ИШЛАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Зангиота тумани бўлими томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ҳокимлик биносининг биринчи қаватида банк-кредит ишларини ўрганиш курси очилди.

Ҳозирда бу ерда 12 нафар қизлар билим олмоқда. Улар замонавий ҳисоблаш машиналари, шунингдек барча янги йўналишдаги ҳисоб-китоб ишларидан тушунча олмоқдалар. Мазкур ўқув курси мунтазам ишлаб туради. Ҳоҳлаганлар малакаларини оширишлари мумкин.

ПИРИ-БАДАВЛАТ ОНАХОНЛАР ЎГИТ БЕРИШДИ

Қатортол қишлоғидаги 15-мактабда Зангиота тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан қизларни оналикка тайёрлаш мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Қишлоқдаги пири-бадавлат онахонлар, тажрибали шифокорлар ёшларга ўгит ва маслаҳатларини бердилар. Туман худудида жойлашган «Алгоритм» тиббий шифокорлик маркази шифокорлари ёшларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтардилар.

Туман марказида «Қадимий удум ва анъаналар-ёшларга» мавзуида ўтказилган йиғилиш ҳам қатнашчиларга манзур бўлди.

Шарофиддин УМИРОВ.

«Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида

КАРТОШКА маҳсулоти — ҳар бир хонадон рўзғорида муҳим ўрин олишлиги ҳаммага маълум. Лекин, кейинги йилларда бу экиндан кўнгилдагидек ҳосил олинмаётганлиги боис унинг ҳосилдорлиги тобора камаймоқда.

Республикамиз бўйича сўнгги йилларда картошканинг турли навлари, шу жумладан, хориждан келтирилган уруғликлар кўплаб экилмоқда. Лекин, кўпчилик бу уруғларни экиш, парвариш қилиш, улардан юқори ҳосил олиш агротехникасини яхши билмайдилар. Шундан бўлса керак, деҳқонлар, оддий фуқаролар таҳририятимизга мактублар йўллаб, тавсиялар ёритишимизни илтимос қилмоқдалар. Аниқланишича, бундай сўровлар республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасига ҳам келаётган экан. Картошка ишқибозлари эътиборига ҳавола этилаётган республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мева-сабзавот бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳамроқул Холиқовнинг қуйидаги мақоласида турли картошка уруғларини экиш, парвариш қилиш ва улардан мўл ҳосил олиш масалалари хусусида батафсил гап юритилади.

КАРТОШКАДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИН?

Мамлакатимиз аҳолисининг картошкага бўлган талабини тўла қондириш учун йилига 1 миллион 380 минг тонна маҳсулот керак бўлади.

Республикамиздаги барча тоифадаги хўжаликларда эса ўтган йили жами 440 минг тонна истеъмол картошкаси етиштирилди холос. Камоаднинг қолган қисмини эса бошқа хорижий мамлакатлардан сотиб олиб, аҳоли эҳтиёжини таъминлашга тўғри келаяпти.

Бунинг боиси нимада?

Гап шундаки, кўпчилик хўжаликларда серҳосил, турли хил касалликларга ва ҳашаротларга чидамли, иқлим шароитимизга мос навлар етишмайди. Шунингдек, уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлар йўқ.

Ҳукуматимиз бу муаммони ҳал этиш учун фақат уруғлик картошка сотиб олишнинг ўзига бу йил 1 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси бу маблағларга Голландиядан 20 минг тонна элита ва биринчи репродукцияли картошка уруғлиги навларини, Белоруссиядан 15 минг тонна иккинчи ва учинчи репродукцияли уруғлик картошкасини, шунингдек, Польша ҳамда Бельгиядан 15 минг тонна картошкани сотиб олиб, республикамиз хўжаликларига етказиб бермоқда.

Бу йил асосан Голландия ва Белоруссия Республикасидан келтирилган картошка навлари экилади.

ГОЛЛАНДИЯ НАВЛАРИ: Диамант. Ўртаги-кечки, юқори ҳосилли, униб чиққанидан кейин 100—110 кунда ҳосили пишиб етилади.

Кардинал. У ҳам ўртаги ва кечки. Серҳосил. 100-110 кунда етилади.

Романо. Эрта, ўрта пишар. Серҳосил. Ўсув даври 60-70 кун.

Аякс. Тезпишар, серҳосил. 60-65 кунда етилади.

Агриа. Ўртаги-кечки. Серҳосил. 90-100 кунда пишиб етилади.

Кандар ва Марфона Эртаки ва ўртаки. Юқори ҳосилли. Ўсув даври 60—70 кун.

Санте. Эртаки-ўртаки, юқори ҳосилли 60-70 кунда етилади.

БЕЛОРУССИЯ НАВЛАРИ. Эртаки Белоруссия 1-нави. Серҳосил, 60—70 кунда пишиб етилади.

«Огонёк». Ўрта пишар. Серҳосил. 80-90 кунда ҳосили тайёр бўлади.

Детскосельский. Ўртапишар, юқори ҳосилли, ўсув даври 70-80 кунни ташкил этади.

Житомирянка. Ўртапишар. Серҳосил. Ўсув даври 70-80 кун.

Новинка. Ўртағишар. Серҳосил. Вегитация даври 80-90 кун.

Темп. Кечки. Юқори ҳосил беради. Ўсув даври 100-110 кун.

Гатчинский. Ўртапишар. Юқори ҳосил беради. Ўсув даври 70-80 кун.

Лорх. Ўрта кечки, юқори ҳосилли. Ўсув даври 90-100 кунга тўғри келади.

Бу йил республикамиз хўжаликларида 13,5—14 минг гектар майдонга кечки картошка экиш мўлжалланмоқда.

Экишни ўз вақтида амалга ошириб, парвариш ишларини юксак савияда ташкил этиб, юқори ҳосил, сифатли уруғлик ва истеъмол картошкасини етиштириш учун қуйидаги агротехника тадбирларини амалга ошириш тавсия этилади.

ЕР ТАНЛАШ. Бошоқли дон, сабзавот, беда ва бошқа экинлардан бўшаган, сув таъминоти яхши ҳисобланган ерлар ажратилади. Агар ерлар қияроқ бўлса ҳамда тупроқ механик таркиби бўйича енгил қумлоқ ва қумоқ майдонлар бўлса нур устига аъло нур ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, картошка шўр ерларда яхши ривожланмайди. Тупроқ таркибида хлор 0,15— 0,20 фоиздан кўп бўлса, ҳосилдорлик пасайиб кетади. Шунинг учун агар шўрланган ерларга картошка экишга тўғри келадиган бўлса, аввало бу майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, шундан кейингина картошка экишга киришиш мақсадга мувофиқдир.

ЕРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ЎҒИТЛАШ. Одатда картошка тупроғи майин, унумдор ерларда яхши ўсиб ривожланишини деҳқонларимиз яхши биладилар. Шунинг учун ҳам картошка экиш мўлжалланган ерларга ниҳоятда сифатли ишлов бериш талаб этилади. Агарда бошоқли дон, сабзавот ва бошқа экинлардан бўшаган ерларда нам етарли бўлмаса ҳайдаш олдидан бу ерларни зудлик билан енгил суғориш ва тупроқ етилиши биланоқ 27-30 сантиметр чуқурликда ҳайдаш, чизеллаш, бороналаш, молалаш тадбирлари амалга оширилади. Ана шунда тупроқ майинлашади, юмшайди, кесак бўлмайди. Экологик жиҳатдан тоза, бегубор, тўйимли, сифатли картошка етиштириш учун ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси асосида йиллик маданий ўғитларнинг ҳаммаси (азот, фосфор, калий) экиш олдидан тупроққа 10—12 сантиметр чуқурликка солинади. Чунки тупрокда нам етарли бўлса азотли ўғитлар икки кеча-кундузда, калий ва фосфорли ўғитлар 40-45 кунда ўсимликка таъсир этади. Демак, ўсимлик ҳосили пишиб етилгунга қадар уларни бемалол ҳазм қила олади. Бунинг оқибатида картошкада нитрат моддаси ниҳоятда кам бўлади. Яна муҳими шундаки, ана шу усулда етиштирилган уруғлик картошкани нормал шароитда узоқ сақлаш мумкин бўлади. Тупроқ шароитига, унумдорлигига қараб ҳар гектар ерга ўртача таъсир этувчи модда сифатида 120-130 килограмм азотли. 150-180 килограмм фосфорли ва 80—90 килограмм калийли ўғитларни солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

УРУҒЛИК КАРТОШКАНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ЭКИШ. Бунда энг аввало уруғликни саралаш ва экишга тайёрлашга катта аҳамият бериш талаб этилади. Одатда 50-80 граммли картошка сифатли уруғлик ҳисобланади. Бундай уруғликлар бир текис ва бехато униб чиқади, ундан серпоя ва серҳосил ўсимлик туплари вужудга келади. Йириклиги ўртача бўлган аксарият уруғлик картошкалардан ҳам бўлиқ, етилган туганаклар олиш мумкин. Бундан хулоса шуки, 50 граммдан то 80 граммгача бўлган уруғлик картошкаларни экиш тавсия этилади.

Иложи борича уруғлик картошкани механизация воситасида ишлов беришга мослашган далаларга экиш мақсадга мувофиқдир. Экишда СН-4Б маркали экиш мосламаларидан фойдаланилади. Уруғлик 10—12 сантиметр чуқурликка тушиши керак.

Ёзги муддатларда экиладиган уруғлик картошка 10—15 кун илгари совутгич омборхоналардан олиниб, сараланади ва одатдаги ҳароратда сояда ундирилади.

Уруғлик олиш учун мўлжалланган картошкалар 70х20, 70х25, 90х20, 90х25, истеъмол учун етиштириладиган картошка уруғликлари эса 70х30, 75х33 сантиметрли схемаларда экилади. Қанча миқдорда уруғлик экиш картошканинг йирик ва майдалиги ва қайси мақсад учун экилаётганлигига боғликдир. Уруғлик картошка етиштириш учун ҳар гектар ерга 3,3-3,5 тонна, истеъмол учун эса уч тонна уруғлик сарфланади.

Маълумки, Польша ва Бельгиядан олиб келинган картошка истеъмол картошкаси ҳисобланади. Мутахассислар ва олимларнинг берган хулосаларига кўра бу картошкани истеъмол учун экса бўлади.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бельгиядан келтирилган картошка текшириб кўрилганида унинг унувчанлиги 60-65 фоизни ташкил этди. Бундан хулоса шуки, бу картошкани экишдан олдин ундирилган туганакларни экиш керак бўлади. Туганаклари унмаган картошка эса териб олиниб, истеъмол учун фойдаланилади.

ЭКИШ МУДДАТЛАРИ. Картошка ўсимлигининг рисоладагидек ўсиши учун энг меёрий ҳарорат 23-24 даража ва туганак тугиш даврида эса 16—19 даража бўлиши керак. Шунинг учун картошкани экишда унинг муддатларига қатъий риоя этиш зарур. Республикамиз иқлими тупроқ шароитида эса ўртанги муддатларда картошка етиштириш тавсия этилмайди. Тоғ ва тоғолди минтақаларида, ҳавоси мўътадил ва нисбатан салқин бўлган жойларда ўртанги муддатда картошка етиштирса бўлади.

Лекин Ўзбекистон ҳудудининг иқлими бир хил эмас. Шунинг учун ҳам картошкани ҳар бир минтақанинг ўзига хос иқлим шароити ҳисобга олиниб, белгиланган, тавсия этилган муддатларда экса, ундан албатта юқори ҳосил олиш мумкин бўлади.

Бизнинг вилоятимиз минтақаларида, масалан, картошканинг 60-70 кунда пишиб етиладиган истеъмол учун фойдаланиладиган навларини 10-20 июлда, уруғлик учун мўлжалланганларини 15—25 июль оралиғида, истеъмол учун фойдаланиладиган, ўрта пишар, 85-90 кунларда етиладиган навларини 5—10 июль оралиғида, уруғлик учун эса 15-20 июль ўрталарида, кечки, ўрта пишар 100-110 кунда етиладиган, истеъмол учун фойдаланиладиган навларини 15-20 июнь оралиғида, уруғлик учун эса 15-25 июнь ўрталарида экиш тавсия этилади.

ЭКИННИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ. Экилган уруғлик картошка тўлиқ униб чиқиши учун дарҳол эгатларга сув қўйилади. 4-5 кун ўтгач эса қатор ораларига ишлов берилади, зарур деб топилганида тўрсимон бороналар билан тезроқ юмшатилади.

Одатда картошка унумдор, тупроғи майин ерларда яхши ўсиб ривожланади. Шунинг учун ҳам тупроққа ўсув даврида сифатли ишлов бериш ўсимликнинг жадал ривожланишини ҳамда бегона ўтларнинг йўқотилишини таъминлайди. Демак, чопиқ қилиш, қатор ораларини юмшатиш жараёнида ўсимлик бағрига, яъни, туп атрофига тупроқ уйиш, деҳқонлар тили билан айтганда қириб босиш экинга ишлов беришнинг ғоят муҳим омилларидан ҳисобланади. Картошка тўлиқ униб чиқиб, бўйи 8-10 сантиметр бўлганида биринчи культивация амалга оширилади. Туплари тагида тупроқни баландроқ қилиб уйиб кетиши учун окучник қанотлари кенг ёйиб ўрнатилади. Туплар тагига уйилган тупроқ экиннинг илдизи яхши ривожланишига ва мева тугиши учун қулай шароит вужудга келтиради. Илдизни иссиқ ҳароратдан ҳимоя қилади. Ҳаводан яхши баҳра олади.

Картошка ўсув даврида палаклари то бир-бирига туташиб кетгунига қадар икки-уч маротаба культивация ўтказилади. Суғориш учун эгатлар олинади. Дастлабки культивация чуқурлиги 14—16 сантиметр, ҳимоя зонаси эса 10—12 сантиметр кенгликда, кейингиси мос равишда 10-12 сантиметр ҳамда 16-18 сантиметрни ташкил этиши керак.

СУҒОРИШ ТАРТИБИ. Картошка экинини неча марта ва қайси муддатларда суғориш унинг нави хусусиятларига, тупроқ, иқлим шароитига боғликдир. Ниҳоллар униб чиққач, табиийки, унинг намга бўлган талаби ортади, гуллаши ва туганакларининг катталашиши жараёнида эса бу талаб яна ҳам кучаяди. Айниқса, картошка ҳосил тугиш пайтида тупроқда нам етарли бўлиши шарт. Акс ҳолда картошканинг мева тугиши чўзилади ва бу ҳол ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ёзги муддатларда экилган картошканинг тезпишар навлари ўсув даврида 5-7 марта, ўрта пишар ва кеч пишар навлари эса 7-9 марта суғорилади. Бу даврда тупроқнинг намлиги ўртача 75-80 фоизни ташкил этиши лозим. Одатда картошка ўсув даврида то мева туккунига қадар ҳар 7-8 кунда мева тугиш даврида эса 5-6 кун ўтказиб суғорилади.

КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ. Картошка ўсимликлари яхши ривожланиб, соғлом ўссин десангиз, унинг ўсув даврида муттасил кузатиб, кўздан кечириб бориш, зарарланган жойлари бўлса олиб ташлаш талаб этилади.

Зумбуруғ касаллиги картошкага катта зиён келтиради. Унинг олдини олиш чоралари: 1 фоизли бордо суюқлиги ёки 80 фоизли поликарбациндан фойдаланилади. Бунга 10 литр сувга 40 грамм дори аралаштириб суюқлик тайёрланади.

Айрим жойларда картошка экинига оқ қанот тушиши ва зарар етказиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ўсимликларга унинг амал даврида асосий инсектицидлардан данитоль ва Цимбуш (бир гектарга 2-3 килограмм миқдорида) қўлланилади. Бундан ташқари, биологик усулдан, яъни энкарзия қўллаб ҳам бу ҳашаротларга қарши курашиш яхши самара беради.

Картошканинг кушандаси — энг хавфли зараркунанда колорадо қўнғизи ҳисобланади. Усимликни бу ҳашаротга ем қилиб қўймаслик учун қўнғизнинг личинкалари пайдо бўлиши биланоқ унга қарши кимёвий кураш чоралари амалга оширилади. Бунинг учун децис, 2,5% ли К.Э (0,15 — 20 л(га), нурел — Д, 55% К.Э. (0,6л(га), фазолон, 35% ли К.Э. (1,5 л(га), карате 5% ли К.Э. (0,1 — 0,2)л (га) препаратларидан фойдаланилади. Бундай препаратлардан тайёрланган дорилар қўнғизларнинг личинкалари кирилиб кетишини таъминлайди.

Уруғлик картошка етиштириш технологияси истеъмол учун етиштириладиган картошка технологиясидан унча фарқ қилмайди. Фақат шу нарсани унутмаслик керакки, уруғлик картошка экилган далалар ўсув даврида доимий назорат қилиб борилади. Бунда касалланган, муайян навга мансуб бўлмаган, шикастланган ўсимликлар олиб ташланади.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ. Картошка ҳосилини йиғиштириб олишдан 10—12 кун илгари унинг пояси КИР — 1,5 ёки КИР — 1,5В механизмлари ёрдамида ўрилиб, йиғиштирилади. Бундан мақсад бу муддат ичида пояга борувчи озуқа моддаси бевосита туганакка боради, ҳосилнинг пишиб етилиши тезлашади, ҳосилга ҳосил қўшилади. Картошка физиологик жиҳатдан тўлиқ пишиб етилади. Бундай маҳсулотни узоқ муддат сақлаш мумкин бўлади. Ҳосил асосан КТН — 2,8 ва КСТ — 1,4 кавлагич механизмлари ёрдамида йиғиштириб олинади. Биз аминмизки, юқорида қайд этилган агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилса, уруғлик ва истеъмол учун ўстирилаётган картошкадан ҳеч сўзсиз мўл, сифатли ва мазали ҳосил олиш мумкин.

Ҳамроқул ХОЛИҚОВ,
Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мева-сабзавот бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛДОШИМИЗ

ЁШЛИГИМДА ота-онам «Агар юрагинг жизилламаса, бир ишга қўл урма», деган гапни қулоғимга кўп қуйишарди. Кейинчалик бу сўзлар замирида катта маъно борлигига чиндан ишонч ҳосил қилдим. Узоққа бормайлик, республикамиз, вилоятимиз, шунингдек, туманимизда иқтисодий ислоҳотлар бошлангандан кейин менда ҳам мулк эгаси бўлиш орзуси туғилди, орттирган тажрибам, ерга меҳрим етарли бўлиб, деҳқончилик сир-асрорларини анчагина пухта эгаллаганлигим, фермерлик элга қандай манфаат етказиши кераклиги тўғрисида тасаввурим борлиги туфайли, деҳқон-фермер бўлишга жазм этдим.

Мулкдор саховати

Тўғрисини айтиш керак, 6 гектар ерни олиб «Дилшод» деҳқон фермер хўжалигини ташкил этганимдан кейин, иш мен ўйлаганчалик силлиқ кўчмади. Дастлабки кезлардаёқ маблағдан қийналдик. Уни энди тўплаганимизда банклардаги устама фоиз ошиб кетиб, мушкул кунларни бошимиздан кечирдик. Лекин, энг муҳими руҳан тушмадик. Астойдил уриндик. 1995 йилда эса ишимиз самараси юзага чиқди.

Хўжалигимиз 110 тонна сабзавот, 20 тонна полиз махсулотлари, 3 тонна сут, 4 тонна гўшт етиштирди. Шартнома асосида уларни давлатга сотиш натижасида 640 минг сўм даромад олинди. Фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган 7 кишидан ҳар бирининг йиллик даромади 25 мингдан 45 минг сўмгача етди. Иш бошлаган кезларимизда даромад баракали бўлса, одамларга саховат кўрсатишни ният қилиб қўйган эдик. Орзумизга етдик.

Туманлардаги мактабларнинг минг нафар ўқувчисига, болалар боғчаларидаги 200 нафар кичкинтойларга спорт кийимлари, гарнитурлар, тарбиячилар учун иш халатлари олиб бердик. Маориф соҳасида 40 йилдан кўпроқ ишлаган устозларнинг ҳар бирига мукофот тарзида 1000 сўмдан пул берилди.

Наврўз байрами куни совғалар ўз эгаларига етказилди. Шуни айтиш керакки, савоб оқибатсиз қолмас экан. Ҳокимлик бизга яна 10 гектар ер ажратиб берди.

Бу фермер хўжалигимиз имкониятларини янада кенгайтиради. Ана шу майдонларда сабзавот биланлан бирга, чорва учун ем-хашак етиштиришни мақсад қилиб қўйдик. Зероки, бу соҳадаги ҳаракатларимиз ҳам зое кетмаяпти.

Эндиликда хўжалигимизда қўйлар, моллар сони кўпайиб қолди. Шу кунларда янги молхона қуриш муаммосини ҳал этяпмиз. Сутни қайта ишлаш цехи ҳам қурилади. Дала ишларимиз ривожи чакки эмас. Оллоҳ насиб этса, бу йил яна мўл ҳосил етиштириб, салмоқли даромад олиш истагидамиз. Мактаблар, боғчаларни қўллаб-қувватлашдан ташқари, аълочи ўқувчиларга стипендиялар, ўқитувчиларга мукофотлар бериб туриш, кам таъминланган оилаларга сигирлар тарқатиш режамизда бор.

Бизнинг бундай имкониятларга эга бўлишимизда юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб бораётган сиёсатлари катта ёрдам бермоқда. Истиқлол ҳар биримизга эрк берди. Уни ҳалол ва фидойи меҳнатимиз билан оқлаш бизнинг вазифамиздир. Ана шу мақсадни кўнгилга тугиб, дала ишлари ва чорвачиликни йил сайин ривожлантириб боришга астойдил бел боғлаганмиз.

Баҳром ПАЙШАНОВ,
Бўка туманидаги «Дилшод» фермер хўжалиги раҳбари.

ТАҲРИРИЯТДАН. Чиндан ҳам Бўка туманидаги «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб, амалга ошираётган хайрли ишлари эътиборга лойиқдир. Яқинда хўжалик раҳбарининг саховати ҳақида «Халқ сўзи» газетасида ибратли мақола босилди. Шунингдек, Республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов умумтаълим муассасаларининг моддий техника базасини яхшилаш, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига кўмак берганлиги учун Тошкент вилояти ҳокими номига фермер хўжалигининг хайрли ишлари учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Биз мазкур фермер хўжалиги бошлаган иш бошқа туманлардаги фермерлар учун ҳам ўрганишга лойиқ тажриба эканлигини таъкидлаган ҳолда, вилоятда Баҳром Пайшановдек ҳомийлар кўпаяди ва унинг ташаббуси кенг ёйилади деб умид қиламиз.



ҚИШЛОҚДА РЕСТОРАН

Янгийўлдаги «Тикланиш» фирмаси дастлаб ташкил топганда буюртма асосида қурилиш ишларини амалга ошира бошлаган эди. Жамоа аъзолари ишни тўғри ташкил этганликлари боис, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини кенгайтириш имкони пайдо бўлди.

Бунинг натижаси ўлароқ «Феруза» ресторани қад кўтарди. «Алишер Навоий гулшани» истироҳат ва маданият боғида жойлашган бу бино 48 ўринли ресторан ҳамда озиқ-овқат дўконидан иборатдир. Бозор қонуниятлари асосида иш юритиб, харидор талабини пухта ўрганаётган жамоа аъзолари ҳозирги кунда «Лаззат» кондитер фабрикаси, ун заводи ҳамда ёғ заводи билан шартнома асосида меҳнат қилмоқдалар.

«Тикланиш»чилар келгусида хизмат турини кўпайтириш мақсадида чойхона ҳамда тўйхона қуришни режалаштирганлар.

Даврон АҲМАД.

Суратда: «Феруза» ресторанининг умумий кўриниши; дастлабки хўрандалар гуруҳлашмоқдалар.

Муаллиф олган суратлар.





ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● БОБОМИЗ Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги йилида Соҳибқирон шахсига ва унинг қаламига мансуб янги асарлар, ҳужжатлар, осори атиқалар топилмоқда.

● САЙЛОВЛАР — ҳамма ерда бор гап. Лекин, уларнинг халқаро аҳволга, бошқа давлатлар, айрим минтақалар, ҳатто, ер юзидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсирига қараб турлича баҳо берилади.

● ЖИНОЯТЧИЛИККА қарши кураш ер куррасида умуминсоний муаммога айланмоқда.

САТРЛАРДА СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

МАЪЛУМКИ, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги умумжаҳон миқёсидаги улкан маданий воқеага айланди. 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши боис нафақат Ўзбекистонда, балки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу воқеа жамоатчилик томонидан кенг нишонланди ва нишонланмоқда. Илмий ва маданий изланишлар доирасида ҳам Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли янги-янги хабарларни эшитиш мумкин бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги «Жаҳон» ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, хорижий мамлакатлардаги кутубхоналар, музейлар ҳамда архив манбаларидан Амир Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ ҳужжатлар, китоблар, бошқа ашёвий далиллар қидириб топилмоқда. Қўлга киритилган нарсалар келажакда пойтахтимизда бунёд этилаётган Амир Темур ва темурийлар музейига қўйилади.

Покистоннинг Лахор музейида, Пешовар дорилфунунида соҳибқирон ҳаётини баён этувчи «Мулзуфат» рисоласи ҳамда «Амир Темур тузуклари» китоблари топилди. Улар урду тилида битилган. Бундан ташқари соҳибқироннинг Ҳиндистоннинг Сутлеж дарёсидан кечиб ўтган жойи аниқланди. Амир Темур кечувдан ўтгач, «Чўлистон» биёбони орқали Ҳиндистоннинг ичкарисига кириб борган. Кейинчалик эса худди шу йўналиш бўйлаб Бобур мирзо юриш қилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, Покистонда анчагина туркийзабон қабилалар истиқомат қиладилар. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаёт кечириш тарзини танлаганлар. Бу одамларнинг ўз мактаблари, шифохоналари, бошқа муассасалари бор. Кўпчилик эркаклар эса ҳарбий хизматда бўлишни афзал кўрадилар.

Ўзбекистоннинг Исломободдаги элчихонаси ходимлари ватандошларимизга қадимий юртларига сафар қилишларида кўмакдош бўлмоқдалар.

«АВОД»МИ ЁҲУД «ЛИКУД»?

МАНА, бир неча йилдирки, Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ўрнатиш ишларига пойдевор қўйила бошланди. Араблар билан исроилликлар ўртасидаги можаролар эса бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда. Исроил бош вазири Ицхак Рабин, Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак, Урдун подшоси Ҳусайн Бин Талол ва бошқа давлат арбоблари бошлаган тинчлик жараёнлари гоҳ барқарорлашиб, гоҳ қайтадан бузилмоқда.

Шу йил 29 майда Исроилда бош вазир ҳамда кнессет (парламент) депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Бу умумхалқ тадбири жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг бошлиқларини, сиёсат арбобларини, қолаверса, оддий кишиларни бефарқ қолдирмаётир. Гап шундаки, ҳозирги Бош вазир Шимон Перес раҳнамолигидаги «Авод» партияси ғалаба қиладими ёҳуд Беньямин Натаньяҳ бошлиқ «Ликуд» партияси ютиб чиқадими? Хўш, бу саволлар замирида қандай маънолар ётади?

«Авод»чилар кўпчилик овоз олгудек бўлса, Ш. Перес ўз лавозимида қолади. Бу деган гап — Яқин Шарқда муросачилик, келишувчилик, тинчлик ўрнатиш сиёсати давом эттирилади. Лекин, «Ликуд» фирқаси раҳбари Б. Натаньяҳ ва унинг тарафдорлари «Авод» партияси аъзоларини, хусусан, Бош вазир Ш. Пересни мамлакат манфаатларини назар-писанд қилмасликда, арабларга ён босишда айбламоқдалар. Ҳатто, улар И. Рабин, Ш. Пересларни «сотқинлар» деб атамоқдалар.

Аҳолининг кўпчилиги «ликуд»чилардан чўчиб турибди. Чунки, улар тинчлик ўрнатишни барқарорлаштириш жараёнларини орқага суришга ва араблар билан ҳеч қандай келишувга бормаслик тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кучайтирмоқдалар. Бундай ҳуружлар, шубҳасиз, халқни сергаклантирмоқда.

Қуддус (Иерусалим) шаҳри тақдири исроилликлар билан араблар ўртасидаги энг мужмал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Исроилликлар Иерусалим ягона давлатнинг ягона пойтахтидир, деган ақидани оғишмай, унинг араблар ва исроилликлар ўртасида иккига бўлинишига тиш-тирноқлари билан қарши чиқмоқдалар. Кўринишдан бу масала ҳали-вери ҳал бўлмаса керак.

Шундай қилиб, аввало, Исроилда яқин кунларда бўлиб ўтадиган парламент сайловлари ва бош вазирни аниқлаш, иккинчи томондан, исроилликлар билан араблар ўртасидаги абадий низолар охир-оқибатда қандай натижаларга олиб келишини ҳеч ким билмайди. Лекин, битта нарса равшан бўлиб турипти. «Ликуд» партияси сайловларда ютиб чиқса, Исроилдаги, Яқин Шарқдаги, қолаверса, жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан бўладиган мулоқотлар анча чигаллашиши мумкин.

ХАВФИ ОЛАМГА ЁЙИЛМОҚДА

ЯҚИНДА Москвада бўлиб ўтган МДҲ таркибига кирган давлатлар бошлиқларининг учрашувида уюшган жиноятчиликка қарши кураш масаласининг алоҳида тилга олинганлиги ҳамда кун тартибига киритилганлиги бежиз эмас эди. Чунки, уюшган жиноятчилик илдиз отмаган дунёда биронта мамлакат бўлмаса керак.

Уюшган жиноятчилар қулоч ёйишларида макон ва замон катта аҳамият касб этади. Шу боис улар кўлами кенг ва аҳолиси зич мамлакатларда кўпроқ учрайди. Оммавий ахборот воситаларининг эътироф этишига қараганда, бир кеча-кундузда Россияда тахминан 90 та қотиллик содир этилмоқда. 1990 йилга нисбатан рўйхатга олинган қотилликлар айни кунларда 15,5 мингдан 32 мингга кўпайган. Шу сабаб одамлар кечасилари кўчаларга чиқишдан қўрқишади, автотранспорт уловларида, поездларда, пароходларда сафар қилишдан чўчийдилар. Ҳатто, ер ости метросида ҳам сергак бўлишга тўғри келмоқда.

Россиянинг Новокузнецк-Кемерово-Москва минтақаларини ўзиники қилиб олган Шкабарда гуруҳи тўғрисидаги шов-шувлар ҳамон тинчиганича йўқ. Улар, кўринишдан, фақат, одам ўлдиришга «ихтисослашганлар» чоғи. Ўлдиришлар занжирида буюртма қотилликлар беҳисобдир. Ҳамон руҳоний Минь, журналистлар Холодов, Листьев, тадбиркорлар Кивелиди, Кантор, Лихачев, Зверев, Кузьмин, Яфясов кабиларнинг маҳв этилиши, энг аянчлиси, Россия бош вазирининг шахсий шифокори Нечаевнинг қурбон бўлганлиги тўғрисидаги тергов ишлари ҳозиргача ўлда-жўлда бўлиб ётипти. Ўлганлар ўлиб кетди, қотиллар эса озодликда юрибдилар.

Кейинги йилларда халқаро криминалистикада «Россия мафияси» деган ибора пайдо бўлди. У шунчалик «машҳур» бўлиб кетдики, бу масалани, ҳатто, Америка Қўшма Штатлари сенатининг давлат маъмурияти ишлари қўмитаси қошидаги доимий тергов кичик қўмитаси ўз мажлисида муҳокама қилди. Унинг раиси — республикачи Уильям Рот «Рус мафияси»ни 30-йилларда Ақшда донг таратган банк қароқчиларидан ҳам хавфлироқ, деб атади. Мазкур кичик қўмита муҳокамасида иштирок этган Тергов Федерал Бюроси (ТФБ) директори Луис Фри, Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) директори Жон Дейч ва бошқа масъул ходимлар Россия уюшган жиноятчилари фаолияти фақат Россия эмас, ер юзидаги бошқа давлатлар манфаатига ҳам путур етказади, деб айтдилар.



Сеул шаҳридаги ушбу Кенбоккун сарой ансамбли 1394 йил қурилган эди. Подшолар тахти жойлашган бу бино 1867 йили қайта тикланган.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● РИМДА Италиянинг янги ҳукумати қасамёд қилдирилди. Янги вазирлар маҳкамаси таркибига кирган 20 вазирнинг тўққиз нафари сўл кучлар демократик партияси аъзолари бўлиб, улар собиқ коммунистлар ҳисобланадилар.

● ИККИНЧИ жаҳон уруши йилларида катта жасорат кўрсатган афсонавий учувчи Алексей Маресьев ўз таваллудининг 80 йиллигини нишонлади.

● ТАЙВАНДДА яқинда бўлиб ўтган сайловларда ғалаба қозонган Ли Денхувей расмий равишда ўз вазифаларини бажаришга киришди.

● ТУРКИЯ президенти Сулаймон Демирэл ҳаётига яқинда суиқасд уюштирилди. Бу жиноий ҳодиса мамлакатнинг Измир шаҳрида рўй берди. Президент омон қолди.

● БАНГЛАДЕШНИНГ шимолий туманларидан бири — Тангаилда кучли шамол бўрони кўтарилди. Натижада 406 киши ҳалок бўлди, кўплаб одамлар жароҳатланди. 10 мингга яқин турар-жойлар вайрон этилди.

● ТАИЛАНД қироли таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан оғирлиги 300 килограмм, узунлиги 99 метр бўлган галстук ҳадя этилди. У Катмандудаги ўйингоҳда намойиш этилди.

(ЖАҲОН АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



Инсон бетоб бўлиб қолса кўнглини кўтариш, унга ширин сўзлар билан тасалли бериш ҳам ярим даво дейишади. Қибрай туманида очилган янги дорихона ходими Азиза Мусаматова дастлабки иш бошлаган йиллариданоқ ана шу хислатлари билан ҳурмат-эътибор топиб келмоқда.

Суратда: А. Мусаматова мижоз хизматида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўт ўчирувчилар огоҳлантиради!

ЯХШИ ИШГА ЭГАСИ БОШЧИ

ҲАР КУНИ қанча-қанча яхши ишлар бошланади. Мақсад — уларни кўнгилдагидек поёнига етказишдан иборатдир. Зеро, хўжалик соҳаларида ёхуд маданий тадбирлар борасида олиб борилаётган ишларимиз ният қилинганидек самара бермоғи лозим.

Айни кунларда вилоятимиздаги 14 та санаторий, 12 та дам олиш оромгоҳлари болаларнинг ёзги дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Чунки, сўнгги қўнғироқ жиринглаб, талабаларимизнинг ёзги таътиллари бошланишига саноқли кунлар қолмоқда. 21 минг нафардан зиёд ўқувчилар дам оладиган масканларда кўнгилсиз воқеаларнинг ҳозирдан олдини олиб қўйиш раҳбарларнинг ҳамда мутасаддиларнинг кундалик вазифасидир. Зотан, яхши ишга эгаси бошчи деган гап бор.

Вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари бу борада қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Болалар ёзги дам олиш масканлари ёнғинга қарши барча зарур химикатлар билан таъминланди. Ўт ўчириш ускуналари тахт қилиб қўйилди.

Яна бир гап. Шу кунларда вилоятимиздаги ҳамма хўжаликларда ва хонадонларда ипак қурти боқиш мавсуми давом этмоқда. Ҳадемай «кумуш тола» хирмони уйила бошланади. Мазкур юмушларни эътиборга олиб, ёнғиндан ҳимоя қилиш ходимлари жойлардаги электр ёритгичларни, газ манбаларини яна бир бор кўрикдан ўтказдилар. Нефть маҳсулотлари ва бошқа ёнувчан суюқликларни аниқлаш бўйича тадбирий чоралар кўрилди. Хонадонлардаги печкалар дудбўронлари тартибга келтирилди.

Юқорида тилга олинган манзилгоҳларда ёзги дам олиш мавсумини яхши кайфият билан якунлаш, пилладан олинадиган режадаги ҳосилни тўлиқ меёрда давлатга топшириш учун ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Давлатбек БЕРДИБЕКОВ,
вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамияти раиси.
Ўлмас МУЗАФФАРОВ,
вилоят ЁСБ муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.

ДУШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 18-серия.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Марғилон ипаги».
9.15 «Санъатга бахшида ҳаёт». Халқ артисти Бернора Қориева.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Китоб ва ҳаёт». «Кутубхона — зиё маскани».
10.40 «Жаннат — оналар оёғин остидадур...». Публицистик кўрсатув.
11.15 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.15 «Гуноҳ». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нурафшон». Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.40 Ўткир Ҳошимов. «Қатағон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.10 Диққат, премьера: «Заҳматкаш олим» («Ўзбектелефильм»).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Ёшлар билан юзма-юз».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ-2 намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ-2 намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нафосат маскани». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 20.40
*
20.40 «Қушлар макон топган юрт». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
19.30 «Қувмунчоқ». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Сакура гуллаганда».
20.35 «Кинематограф».
21.25 «М»-хабар.
21.35 «Аёл».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Спорт-тайм».
22.40 «Мусиқа билан учрашув».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ёшлар билан юзма-юз».
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Улғайиш поғоналари». Ўсмирлар учун тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисод нима?» Муаммо ва ечим.
Ўқув машғулотлари:
10.20 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
*
12.00 «Меҳр нури». Телеочерк.
12.30 Ўткир Ҳошимов. «Қатағон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.40 «Вақт хиёбонида». Публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Автоолам». Телелавҳа.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватанни севмоқ иймондандир...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.00 «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг янги концерт дастури.
22.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Зангиота».
22.50 «Умидларнинг этагига осилиб...» Шоир Тилак Жўра хотирасига.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.20 «Ёлқин». Ёш ижодкорлар клуби.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент фавворалари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Мусаввир Дурди Байрамов». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 Эълонлар.
22.45 — 22.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.20 «Оқ соя».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Янги иқтисод».
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 Эълонлар.
21.50 Америка бизнесининг тарихи. «Эндрю Карнеги ва бизнес мафкураси». 5-кўрсатув.
22.20 «Манбалар».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг янги концерт дастури.
9.05 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Лирик концерт.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Физика.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриент-96. Кимё.
*
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Аёл борки, олам мунаввар». Сурхондарё вилояти хотин-қизлари ҳаётидан.
18.45 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Қалбим ардоғида». Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг хонандаси Гулбаҳор Эркулова куйлайди.
21.25 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қорақалпоғистон Республикаси.
22.10 «Унутилмас сатрлар». Фузулий.
22.55 «Истеъдод. Розия Абдулхаирова». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 Бир актёр театри. Азиз Несин. «Пулимга яраша».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ-2 намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Батабат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Наботот олами». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ирендэк» (бошқирд тилида).
19.40 «Бугунги Словакия».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Кинематограф».
21.05 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Тошкент оқшомида».
22.15 «Ер» сайёраси.
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Унутилмас сатрлар». Фузулий.
9.20 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.35 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Муносабат». Публицистик кўрсатув.
10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 «Камолот йўли». Тошкент шаҳридаги 12-ҳунар-техника лицейи ҳақида.
11.30 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
12.00 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
13.20 Мудофаа вазирлиги қошидаги бирлашган ашула ва рақс ансамблининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Зумраша». Болалар сатирик киножурнали.
18.20 Мушоҳада учун мавзу. «Кредит — тадбиркор таянчи».
18.40 «Санъат олами». Ҳайкалтарош Абдумўмин Бойматов.
19.10 «Замон билан ҳамнафас». АҚШнинг «Кейс» комбайнлари — Ўзбекистонда.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Фуқаролик жамияти — мақсадимиз».
21.25 «Ривоят ва наволар». Мусиқий дастур. 1-қисм.
22.10 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.45 «Абадият қўшиғи». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 «Аёл бахти». Кинокўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Хай Фай» («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Палиостоми кўли». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Номаълум Бухоро». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 «Шоҳсупа сари».
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 «Компьютер-ревю».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Каталог».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
21.50 «Менинг маҳаллам».
22.20 «Эколот-коктейль».
22.50 «Онажон». Телеочерк. Таржимон Ҳабиба Зиёхонова ҳақида.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ҲАФТАЛИК TV «Тошкент ҳақиқати» TV КЎРСАТУВЛАР

ЖУМА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ривоят ва наволар». Мусиқий дастур. 1-қисм.
9.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.30 «Қирқ ҳунар ҳам оз...»
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин далам». Телеочерк.
10.30 Немис тили.
11.05 «Финист—сарлочин». Бадиий фильм.
12.20 «Она юртим шайдосиман». Мусиқий дастур.
13.00 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?» Ўзбекистон телевидениеси ва «Халқ сўзи» газетасининг ҳамкорликдаги қўшма рейди.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Наврўз» (Андижон). Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамияти ва болаларнинг ҳуқуқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят ва наволар». Мусиқий дастур. 2-қисм.
21.45 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
22.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1. «Дўстлик» — «Навбаҳор». 2. «Динамо» — «Пахтакор».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.55 «Блиц». Фотокўрик.
19.05 «Эртага — шанба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сиздан ишорат...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Офарин».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ургут жилолари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.30 «Дорихона эшитади...» Бевосита мулоқот.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.00 «Бизнес-академия».
21.25 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Монитор «Осиё». Тележурнал.
22.45 «Мусиқий Ўзбекистон».
23.15 «Британия кундалиги». Ҳозирги замон Англия ҳаёти ҳақида кўрсатув.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 1

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ривоят ва наволар». Мусиқий дастур. 2-қисм.
9.20 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури.
9.40 Болалар учун. «Гулғунчалар».
10.10 «Умр мазмуни».
10.30 «Соҳибжамол ва Маҳлуқ». Мультфильм.
11.55 «Оналар мактаби».
12.25 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Шоҳсанам».
12.45 «Синфдош». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кўрсатув.
13.45 «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
15.00 — 15.30 «Тараннум». Мусиқий дастур.
***
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Барака ёмғири». Мультфильм.
17.10 «Қуёш кулиб боққан кун». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган видеоканал.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 19-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.00 «Жаҳон ҳафта ичида».
22.15 «Зебо». Қизлар тележурнали.
22.45 «Болаликда улар шўхдир...» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонованинг янги концерт дастури.
23.45 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Автосалон».
11.15 «Сизнинг услуб».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 — 14.50 «Спорт қитъаси».
***
18.00 «Совға».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 22.05
*
22.05 Эълонлар.
22.10 «Жонли сайёра».
*
Россия давлат телевидениеси
22.30 — 23.00
*
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.20 «Самарқанднинг мовий гумбазлари». Телефильм.

IV

10.00 «Илондан эҳтиёт бўлинг!» Болалар учун фильм.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Безнен-мирас» (татар тилида).
11.50 «Чинсэн».
12.30 «Келинг, дўстлашайлик!» Мульттўплам.
13.00 — 13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Телеташриф».
19.20 «Олам ва одам».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эсдалик учун дастхат».
21.15 «Бугунги Европа».
21.35 Эълонлар.
21.40 Кинонинг олтин асри. Кирк Дуглас, Лоуренс Оливье «Спартак» фильмида. 1-серия.
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 19-серия.
11.30 «Зебо». Қизлар учун тележурнал.
12.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
13.10 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.00 — 14.50 «Актёрлар ва роллар». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг актёрлари Омонбоевлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ҳар зарбидан бир қўшиқ сизиб чиққан доирам». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Элмурод Исломов.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 20-серия.
21.35 Дам олиш концерти.
22.15 «Ўғри ҳам одам». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Ричард Гир.

II

9.00 «Эртак».
9.20 «Блиц». Фотокўрик.
9.30 «Сиздан ишорат...»
10.00 «Ривоят».
10.10 «Офарин».
10.40 «Таманно».
10.50 «Олам». Маърифий кўрсатув.
11.40 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.35 «Мактуб».
12.45 «Имкон чўққилари».
13.05 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
13.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.15 — 15.55 Видео — «О».
***
17.00 «Келгуси ҳафтада».
17.15 Эълонлар.
17.20 Болалар учун. «LEGO» сайёраси».
17.45 «Юлдузлар».
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Дармон».
21.50 «Даракчи».
22.05 «Келгуси ҳафтада».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.10 Видео — «О».

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.10 — 19.35
*
19.35 «Чанқовуз». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
19.45 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.55 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
12.45 — 13.05 «Жонли сайёра».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 «Миср: кеча ва бугун». 12-кўрсатув.
20.45 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
21.25 Эълонлар.
21.30 Кинонинг олтин асри. Кирк Дуглас, Лоуренс Оливье «Спартак» фильмида. 2-серия.
23.00 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

Дилдаги гаплар

ОТА АЙТГАН ЖОЙ...

Чуқурсойлик Азизахон ая Орифхўжаева билан бир шингил мулоқот

МУАЛЛИФ ИЗОҲИ:

Муҳтарам муштарий! Агар адашмаётган бўлсам, сарлавҳа остидаги изоҳни ўқибоқ, кўнглингиздан шундай бир ўй кечди: «Тошкент ҳақиқати» кўпинча таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, номдор олимлар билан мулоқотлар уюштирарди. Лекин чуқурсойлик Азизахон ая... ким бўлдийкин?» Ажабланманг, чиндан ҳам сиз у кишини ҳали танимайсиз. У — бутун умрини оилага, фарзандлар тарбиясига бағишлаган оддийгина бир аёл! Йўқ, кечирасиз, оддийгина эмас! У — тақдирнинг турли синовлари олдида «роль»га кира-кира санъаткорлик илмини эгаллаган, фарзандларига одамийлик сабоқларидан ҳикоятлар айта-айта шоир бўлиб кетган, дунё муаммоларига камтарин ҳаёт тажрибаларидан хулосалар ахтара-ахтара олимлик заҳматини бошидан ўтказган жафокаш ўзбек Оналарининг биттаси! Азизахон ая бугун қутлуғ 70 ёш остонасида турибди. Не бахтки, Оллоҳ унга фарзандлар камолини кўришдек, эл-юрт ардоғида юришдек, шу ёшга етиб муқаддас Макка тупроғини кўзларига суришдек бахтли кексаликни насиб этди. Агар аянинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари, бахт ва бахтсизлик тўғрисидаги тушунчалари билан яқинроқ танишишни истасангиз, у билан қилган суҳбатимизга қулоқ тутинг.

— Азизахон ая, кўз тегмасин, шу туришингизда етмишга кирганга сираям ўхшамайсиз. Сизни кузатиб туриб, кўнглимдан «ҳаётда ҳеч қийинчилик кўрмаганмикин-а?» деган бир хаёл ўтувди. Бундай ёшариб юришнинг сири нимада?

— Айланай болам, қийинчилик кўрмаганмисиз деб ёшлигимда тортган жабру-жафоларимни ёдимга туширib қўйдингиз-ку! Ўтизинчи йиллар арафасидаги даврни тарихдан яхши биласиз-а?! Отам Абдурашид Сиддиқ қори ўша тала-тўп замонларда қулоқ қилиниб, оиламиз бошига қаттиқ кулфатлар тушган. Онамнинг айтишича, кўча-кўча ўн бир жойда яшаган эканмиз. Отам илмли одам эдилар. Биз, саккиз фарзандга доим бир гапни уқтирардилар: «Бировнинг молидан ҳазар қилинглар. Қийинчиликдан қўрқманглар. Илм олинглар. Шундай қилсангиз кам бўлмайсиз, бир кун, албатта, бир жойдан ёриб чиқасиз!» Энди билсам, бу жуда доно гаплар экан. Чиндан ҳам кейинчалик давр ўзгариб, ҳаммамиз йўлимизни топиб кетдик. Ўзим ёшликдан чеварлик ҳунарини ўргандим, йигирма йил попоп тикдим. Мени Абдуқаюм ака деган одамга узатганларидан кейин, уй-рўзғор юмушлари билан бўлиб, унча кўп ишлай олмадим. У киши билан икки қиз, тўрт ўғил кўрдик. Худога минг қатла шукрки, болаларим эсли-хушли, меҳнатсевар бўлиб улғайишди. Мана, ҳозир шуларнинг даврасида яйраб-яшнаб, ёшариб юрибман, айланай. Абдужаббор, Ақидахон, Абдурауф, Саидахон, Абдулборий, Абдукаҳҳор, келинларим Раънохон, Шорахон, Мушаррафхон, Озодахон... Ҳаммалари ўқимишли, яхши-яхши даргоҳларнинг хизматчилари. Кенжа келиним Озодахон ўзимга ўхшаган чевар чиқди. Ишқилиб, ҳаммаларини Оллоҳ ўз паноҳида асрасин! Шулар бор — мен бор! Сиз сўраган «сир» мана шу, болажоним!



— Келингларингиз тўғрисидаги илиқ фикрларингизни эшитиб, сиздан яна бир нарсани сўрагим келди... Қайнона-келин муносабатларида учраб турадиган баъзи зиддиятлар хусусида фикрингиз?

— Қизларимга доим уқтираманки, аввало, онангни асрашни ўрган. Онангни асрасанг — қайнонангни асрайсан. Оғир бўл, турмушнинг яхшисига ҳам, ёмонига ҳам чида. Қайнонанг ҳақида кўча-кўйда бирор хунук сўз айта кўрма. Чунки, сен ана шу «ёмон» қайнонанинг «яхши» ўғлига жуфти-ҳалолсан. Қолаверса, фарзандларнинг айби игнадай, келинники эса туядай кўринади. Бу бор гап, айланай. Бирор ноҳушлик аралашган силада эса ҳеч қачон бахтли бўлмайди. Аксинча, ҳонадонга янги тушган келинни чақалоқни тарбиялагандай тарбиялаш, шу оила муҳитига кўниктириб бориш керак. Чунки, келинчак ҳам норасида гўдакдай бир гап. Уни яхши фазилатлари билан намуна бўлиш ўрнига, келини билан олишаверган она икки тўртда ўғлини ёмон аҳволга солиб қўяди. Мен мана шу нарсадан жуда қўрқаман. Бундай кўргуликни ҳеч кимга раво кўрмайман.

— Сизнингча, аёл кишини бахтли ёки бахтсиз қиладиган энг муҳим фазилатлар қайси?

— Ростгўйлик, меҳнатсеварлик! Мана шу фазилатни эгаллаган киши бора-бора ҳамма нарсага эришади. Келиндирки, куёвдирки, қайнонани рози қилмоғи даркор, бўлмаса боласидан қайтмайди. Хушмуомала билан қайнона-қайнота дилини олганга нима етсин?! Кўнгил қидиришлик ҳам Оллоҳ насиб қилган энг яхши фазилат деб биламан.

Аёл киши — аввало, Она демакдир. Ҳар қайси она, агар боласини тузатаман деса тузата олади, бузаман деса буза олади. Оилани эҳтиёт қилиш оналарнинг қўлида. Шунинг учун у ҳамиша зукко бўлмоғи керак. Аёлнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам таъсири жуда катта. Ривоятлардан эшитгансиз, тадбиркор аёл ўзининг меҳри, ақл кучи билан камбағал эрни вазир қилган. Бироқ, эр пошшо бўлса ҳам тантиқ беканинг фикрига қулоқ тутаман деб йўлдан тойиши ҳеч гап эмас. Мана шу нарсани англаб етган ва фарқига борган аёл, албатта, ўзи истаган бахтни топади. Йўқса... Худойим ҳеч кимни тўғри жуфт танлашдан янглиштирмасин, қизим...

— Ёқтирмаган нарсангиз?

— Гийбат! Бекорчи гап кимга керак? Бу беш кунлик дунёда одам бир-биридан фақат яхши нарсаларни ўрганса тузукмасми, айланай. Ундоқ экан, бундоқ экан дейдиган миш-мишларни жуда ёмон кўраман. Майли, сен бир гап айт, шундан эшитгувчи фойда олсин. Фойда бермайдиган гапни тилга олишлик эса мақтанчоққа хос ишдир. Алҳазар!...

— Сиз икки йил аввал муборак ҳаж сафарига бориб келдингиз. Таассуротларингиз ҳали ҳам ёдингиздан кўтарилмагандир. Шу сафар ҳақида икки оғиз гапириб беринг.

— У кунларни эсдан чиқариб бўларканми, болам. Мендек оддий бир аёлга шундай улуғ бахтни ато этгани учун Оллоҳга ададсиз ҳамду-санолар бўлсин.

Отам раҳматли Ҳажга боришни орзу қила-қила, ниятига етолмай 90 ёшида вафот қилдилар. Аммо, ҳализамон мустақиллик кунлари келишини, одил ҳукумат ҳар бир мусулмон учун Макка йўлларини кенг очиб қўйишини биз билмасдик. Шуни ўйласам, кўзларимда ёш халқаланаверади. Мана, отам етолмаган жойларга менинг қадамим етди, у кишининг яқинлари, юртдошлари, набиралари кўрди Маккани!

Сафар давомидаги таассуротларимни ҳалигача сўз билан тушунтиролмайман. Ўзи аслида буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Мен у ерда ҳамма нарсани унутдим, йиғладим, йиғлайвердим... Гўё бу оламда ёлғиз Оллоҳ бор, осмон бор, мен бор... Сафардаги киши учун лозим бўлган барча амалларни бажардим. Ўғлим Абдуқаҳҳор ёнимда бўлди. Ҳали ҳам турли йиғинларда, аёллар тўпланишган жойларда сафарда кўрган-кечирганларимни гапириб бераман.

— Армонингиз қолдими?

— Йўқ! Бир инсон учун зарур бўлган барча неъматлардан баҳраманд бўлдим. Иқтидорим етганича тотув оила қилдим, болаларимнинг орзу-ҳавасини кўрдим, худойим бир-биридан ширин-шакар невара-эваралар берди. Шуларнинг иззатини пошшонинг тахтиравони билиб, дўстдушман олдида бошимни кўтариб юрибман. «Қийинчиликдан қўрқманглар, қаноатли бўлинглар, шундай қилсанглар, бир кун, албатта, бир жойдан чиқасизлар» деганда отам мана шуни назарда тутган экан шекилли... Худога шукр, энди армоним йўқ. Аммо, ҳаётдан ҳали умидларим кўп. Бу ёруғ оламни доим тинч кўрсам дейман. Фарзандларимиз омон бўлса, юртимиз янада гуллаб-яшнаса, ҳеч бир хонадондан «вой болам» деган нола чиқмаса, кўрганимиз тўй-у, эшитганимиз яхшилик бўлса... Илоҳим, яратган бандасини ўзи тўғри йўлдан адаштирмасин!

— Суҳбатингиз учун ташаккур, ая. Яна кўп йиллар шундай азиз бўлиб юринг.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Суратда: Азизахон ая Орифхўжаева набиралари қуршовида.

Доврон АҲМАД олган сурат.



БОЛА КУЙЛАГАНДА — ОЛАМ КУЙЛАЙДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг маданият уйи ҳеч қачон бунчалик кўп санъат гунчаларини тўпламаган эди. Вилоятимизнинг деярли барча шаҳар ва туманларидан 450 болалар ва қизлар «Илҳом чашмалари-96» байрамида санъатларини намойиш этиш учун бу ерга йиғилишди. Байрамни вилоят халқ таълими бошқармаси ташкил этди.

— Ёш ғунчалар ўртасида бундай санъат байрамини ташкил этиш, — дейди бошқарма ходими Муҳаррам Толипова, — ёшларни ватанпарварлик, эзгулик руҳида тарбиялашга яқиндан кўмак беради.

Февраль ойидаёқ бундай байрамлар мактабларда бошланган эди. Сўнгра туман ва шаҳар миқёсида кўриклар ўтказилди. Ғолиблар вилоят танловига йўлланма олдилар.

Санъатимиз ғунчалари

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги саҳнасида 28 жамоа ўз маҳоратларини намойиш этди.

Бўка тумани болалар-ўсмирлар ижодиёти маркази доирачилари, Қуйичирчиқ туманидаги 36-мактабнинг «Юлдуз» дастаси, Оққўрғон туманининг «Қувонч», Бекабоднинг «Шодлик», Ангреннинг «Табассум» ва бошқа жамоаларнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Чинозлик ўқувчилар ака-ука Жамшид ва Жаҳонгир Аъзамовларнинг, бўкалик ўқувчи Бахтиёр Умиров, айниқса, Олмалиқдаги 13-мактаб ўқувчиси Жўрабек Каримовларнинг қўшиқлари ҳайъат аъзоларининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

«Илҳом чашмалари» кўрик-танловини ўтказишга ҳомийлик қилган Халқ Демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Қизил ярим ой жамияти вилоят бўлими ёрдамини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Улар байрамни ўтказишни ташкил килибгина қолмай, балки энг яхши жамоалар, қўшиқчилар ва кўрик ғолибларига совғалар бердилар.

Вали ИБРОҲИМОВ.

СУРАТЛАРДА: кўрик қатнашчиларининг чиқишлари.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

КУТУБХОНАЧИЛАР... УРЧУҚ ЙИГИРГАНДА

Бекобод тумани марказий кутубхонасида «Ўз касбининг устаси» мавзуида туман кутубхоначиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик иштирокчилари ҳакамлар хайъати томонидан берилган саволларга жавоб бериб, касбларига бўлган лаёқатларини, маҳоратларини намойиш этдилар.

Кўрикда китоблар кўргазмаси намойиш этилди.

Ибодат Холмирзаева, Саодат Сувонованинг урчуқ йигириб, гилам тўқишлари, Олия Қосимова, Жамила Бобобекова ижросидаги қўшиқлар, Ўринжон Парпиева тиккан чиройли кўйлаклар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Танлов якунига кўра биринчи ўринни Олия Қосимова, иккинчи ўринни Ўринжон Парпиева эгаллади.

Ғолибларга туман ҳокимлиги ва маданият бўлимининг совғалари берилди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ, Муҳиддин ҚОРАБЕКОВ.

ЮТҚАЗИБ ТУРИБ, ДУРАНГ ҚИЛИШДИ

Футбол

МАМЛАКАТ биринчилиги олий табақаси жамоалари навбатдаги олтинчи тур ўйинларини ўтказишди. Мазкур турда мухлислар эътибори Бухородаги маҳаллий «Нурафшон» ва пешқадамлик қилаётган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоалари ўртасидаги ўйинга қаратилди. Бешинчи минутдаёқ майдон эгалари ҳужумчиси Ю. Агеев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Иккинчи бўлим бошлангач эса, орадан етти дақиқа ўтганда З. Мусабоев вазиятни тенглаштирди. Кескин баҳс остида ўтган ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Ўз майдонида Самарқандниг «Динамо» клуби устидан 2:0 ҳисобида ғалабага эришган «Нефтчи» олти турдан сўнг 15 очко билан биринчи ўринга чиқиб олди. «Навбаҳор» ҳисобида 14 очко бор. Учинчи ўринни эса 13 очко билан МХСК футболчилари эгаллаб туришибди. Армиячилар бу турда термизлик клубдошларини 5:3 ҳисобида мағлуб этдилар.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси Ургенчда «Динамо» меҳмони бўлди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлим бошларида эса майдон эгалари олдинга чиқишди. 53-минутда А. Нурматов «Дўстлик» дарвозасига тўп киритди. Учрашув тугашига ўн беш дақиқа қолганда Ф. Хабибулин жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди. Томонлар ўз ҳисобига битгадан очко ёздилар. Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Наврўз» — 5:2, «Янгиер» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Машъал» — «Косонсой» — 2:0, «Атлас-чи» — «Пахтакор» — 2:1.

Навбатдаги тур ўйинлари 26 ва 27 май кунлари бўлиб ўтади. Якшанба куни «Дўстлик» — «Нефтчи» клубини қабул қилади.

БУГУН НАВБАТДАГИ ТУР

Бугун мамлакат биринчилиги биринчи табақа иштирокчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказадилар. Вилоятимизнинг икки жамоаси — «Бўкалик» билан «Ғазалкент» ўзаро рўбарў келади. Учрашув Бўкада бўлади. Аввалги турда «Металлург» сафарда «Ҳисор» устидан 1:0, «Кимёгар» эса ўз майдонида «Диёр»ни 2:0, «Роҳат» — «Прогресс» клубини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Бўкалик» Ғузорда «Шўртан» меҳмони бўлиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Фақат биргина жамоамиз «Ғазалкент» турнир пешқадами «Зарафшон» жамоасига 1:4 ҳисобида ютқазди.

Саккиз турдан сўнг 22 очко тўплаган «Зарафшон» пешқадамлик қилмоқда. «Шаҳрихон», «Прогресс» ва «Чилонзор» жамоалари ҳисобида 19 тадан очко бор. «Металлург» олтинчи, «Кимёгар» ўн биринчи, «Ғазалкент» ўн иккинчи, «Роҳат» ўн тўртинчи, «Бўкалик» йигирма биринчи ўринни эгаллаб турипти.

Ҳар тўғрида

БОТИР МУШУК

БУ ВОҚЕА Челябинск шаҳрида содир бўлди. Ўрта ёшлардаги киши мушуги билан сайр қилиб юрарди, шу вақт уч нафар маст йигитлар ёнларидаги немис авчаркаси билан уларни майна қилмоқчи бўлдилар... Уларнинг бири итга «гус» деб команда берди. Бироқ киши ўз мушугини тасмадан бўшатиб юборди. Мушук ҳурпайиб, белини букди-да ит тумшуғига ўқдек тезликда панжа урди. Тумшуғи қаттиқ тирналган ит ингиллаганича қочиб қолди ва буталар орасига кириб кетди. Унинг эгалари итнинг аламини олмоқчи ва ўз муштларини ишга солишга киришмоқчи бўлган эдилар мушук яна бўш келмади, уларга ҳам чанг солди. Яхшиямки, кўзнинг эгаси бор дейишади, акс ҳолда уларнинг ҳаммаси бўлмаса битта-яримтаси кўздан ҳам ажралиб қолиши ҳеч гап эмасди. Анча-мунча жароҳатланган безорилар ҳам секингина жуфтакни ростлаб қолдилар.

Муаммонома

Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Туронзаминлик қомусий аллома, табобат илмининг буюк бобокалони — 2, 1, 12, 13, 2, 12, 8.

2. Мумтоз шоир Абдурахмон Жомий ҳикматидан:

Ўзинга оро бергунча, эй ўғил,
Яхшиси шулки, овлагил 18, 9, 12, 11, 2, 10.

3. Сершира, тўқ қизил ёки қора тусдаги хушбўй шифобахш ҳўл мева — 6, 8, 4, 5, 4.

4. Табобатда кенг ишлатиладиган кимёвий модда — 15, 8, 17.

5. Марказий осиёлик тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ҳикматидан:


бахт белгиси — 2, 10, 7 ва ақлдир.

6. Халқ ҳикматидан:

Қавс суви дардга даво,
Қуёш 16, 3, 14, 8 танга даво.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавоблари асосида тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Шундан сўнг шакл марказидаги эгри чизиқ йўналиши бўйлаб нуқтали чизиқлар қаршисидаги ҳарфларни кетмакет ўқинг. Бунда аён бўладиган икки мисра ҳикматли сўз Озарбайжон мумтоз, мутафаккир шоири Низомий Ганжавий қаламига мансуб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



КИРАКАШНИНГ ФОЖИАСИ

УЧ МИНГГА УЧИБ

Тўйтепа маркази, шахсий автомашиналарда киракашлик қиладиган шоферлар тўпланадиган Хонариқ бўйидаги жой. Солижон ака ҳам шахсий кулранг «Жигули»си билан сафга келиб қўшилди. Йўловчи кута бошлади. Зерикқач, машина радиосини қўйиб мусиқа эшитди. Гарчи қиш тугаб, баҳор келган бўлса-да, ҳаво бирмунча совуқ, этни жунжитади.

Шу пайт бир йигит келиб Солижон ака билан гаплашди.

— Ангрен шаҳрига, уч минг сўм бўлади, — деди киракаш.

— Уч минг бўлса, уч минг-да, — деди йўловчи ва машинага ўтирди.

К 07-85 ТШ рақамли «Жигули» тоғ этагидаги шаҳар томон йўл олганда қуёш чиқиб, ҳаво бирмунча илиб қолганди. Тошкент канали, Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги далалари, от заводи ортда қолди. Машина шу орада Оҳангарон ДАНига яқинлашганда назоратчи уни тўхтатди. Солижон ака бироз сухбатдан сўнг яна машинасини бошқариб йўлга тушди. Машина шаҳар томон яқинлашарди. Афсуски, орқага Тўйтепага қайтиш Солижон акага насиб этмаслик ягона Яратганга-ю ҳамда жиноятчиларга аён эди...

ҚАЛТИС РЕЖА

ДАНдан эсон-омон ўтиб олган Саша ўзича хаёл сура бошлади. Бир ой олдин ангренлик қариндоши Сергей Ким Пен Хва корпорация-сида яшовчи Сашаникига ташриф буюрганди. Шунда икковлон режа тузадилар. Саша Тўйтепадан бир енгил машинани Ангренга ёллаши, у ердан эса Сергей, Игорь, Собирлар уни кутиб олиши керак. Ҳайдовчисини тинчитиб, ўлжани мўмай пулга сотишларини, ҳатто харидор ҳам тайин эканлигини айтди. Режа содда, лекин қалтис эди.

Соат 12 да «Жигули» шаҳарнинг 5-кварталида пайдо бўлди. Саша Сергейни чақириб чиқди. Шу пайт Игорь ҳам етиб келди. Сашанинг «машина қалай?» маънодаги ишорасига «зўр-ку» деган жавобни олди.

АФСУС... АДАШМАГАН ЭКАН

Солижон Абдуллаевнинг бедарак йўқолганлигини биз туман босмахонасида ишлайдиган жияни Ғулбаҳордан эшитганимизда аввалига бу оддий хол, у ер-бу ерга кетгандир, келиб қолар, деб тасалли бердик. Лекин кун ўтган сайин ташвиш орта борди. Аллақайси фолбин Ғулбаҳорга поччасини ҳалок бўлганини, жасади эса сувдан чиқишини айтиб, башорат қилибди. Биз Ғулбаҳордан Солижоннинг суратини сўраб, туман газетасида «Қидирилмоқда» сарлавҳаси остида хабарнома босдик. Лекин, афсуски, орадан кўп ўтмай Солижон Абдуллаевнинг фожиаси ҳақида таъзияномани босишга ҳам тўғри келди.

Киракашнинг фожиаси тафсилоти қандай кечди? Бу саволга жавобни жиноятчиларни тергов қилган вилоят прокуратураси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси, юстиция маслаҳатчиси А. Кальсиннинг айблов хулосасидан топамиз.

Александр Цой, 1972 йилда туғилган. Илгари судланган. Александр, Сергей, Игорь учовлон бўлиб, Қосимовникига киришади. Уни-кидан тез таъсир қилувчи уйқу дорисини олиб чиққач, азалдан тузилган режа бўйича 36-кварталда яшовчи сингилисиникига кириб чиқиш баҳонасида машинани тўхтатади. У келгач шериклари Солижонга ҳужум қилишади ва зўрлик билан унинг оғзига уйқу дорисини қуйишади... Киракаш ўзидан кетгач, уни орқа ўриндиққа олиб ўтишади. Рулга эса Сергей ўтиради. Солижон ўзига келгач, илтижо қилиб, қўйиб юборишларини сўрайди. Безориларнинг раҳмлари келиб, кечки соат олтиларда оёқ-қўлини боғлаб машинаси билан гаражга тиқишади-да, устидан кулфлаб харидорга кетишади. Қайтиб келишгач эса Солижоннинг ёрдам сўраб овоз чиқараётганини эшитгач, ғазаблари қўзғайди ва хушидан кетгунча дўппослашади. Сўнг машина юкхонасига жойлашиб, Янги Ангрен ГРЭСи сув ҳавзасига чўктириб юборишади. Машинани эса Исомиддин Шамсиддиновга пуллашади. И. Шамсиддинов сўзидан:

— Машинани ўғирланганлигини билсам-да, уни ўзлаштиришга қарор қилдим. Бунинг учун Собир Қаюмовга олдиндан пул бериб қўйгандим. Алмир деган уста «03» ни «06» қилиб берди...

Ҳар қандай жиноят жазо топқусидир, албатта. Бир эмас, бундан аввал ҳам шу йўсинда ўзгаларни қақшатган, енгил ҳаёт кечиришга ўрганган қимсалар кисмати фожиа билан тугади. Иккиси отишга ҳукм қилинди, бири 15 йилга қамалди. С. Қосимов эса қидирувда.

Тўйтепа марказидаги ўша киракашлар тўпланадиган жойдан ўтганимда юрагим хаприқиб кетади. Солижон ака беихтиёр кўз олдимда гавдаланади. Бошқа киракашларга унинг фожиасини эслатгим, хушёр бўлинг, дегим келади.

Усмонали ҲАМИДОВ.

Жиноят жазо топқусидир

ЭЪЛОНЛАР

ФИРМА

пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни СОТАДИ:

260х508, 320х508, 205х70х14 ўлчамли автошиналар; 60, 75, 90 аккумуляторлари; «ГАЗ-24» учун карбюраторлар, генераторлар ва ҳалқали поршенлар; «Р-646» растворители; 07-08 мм.ли профнастил, қалинлиги 8 мм.ли 219-қувурларни.

• • •

Катта миқдорда гўштли консерваларни ХАРИД ҚИЛАДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 77-82-05, 77-96-28.

Мирзо Улуғбек туманидаги «ШАРҚ» халқ табобати кичик корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 42-00-30 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Ҳамза туманидаги масъулияти чекланган «Алпамыс» жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Навоий кўчаси, 16-уйда қабул қилинади.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошқармининг бош мутахассиси Обиджон Зуфарова укаси **Лутфулла ЗУФАРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.*

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0245. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10060нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.30 1 2 3 4 5 6